

Халқаро кураш ассоциацияси (ХКА) матбуот хизматидан ЎЗА мухбирига хабар қилишларича, 1-4 июл кунлари Эрон пойтахти Техрон шаҳрида Пахлавон Махмуд I халқаро турнири ўтказилади. Бу йирик мусобақада йигирмадан ортиқ давлатдан келган полвонлар бел олишади.



# ИШОНЧ

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2002 йил 21 июн, жума №99 (1316)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

Чинобод ип-йигирув фабрикаси ўрнида ташкил топган А.Навоий Интернешнл Ўзбекистон қўшма корхонаси вилоят, қолаверса республикамиздаги улкан салоҳиятга эга корхоналардан бири саналади. Албатта, эски корхона ўрнида Марказий Осиёда тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш Америка фонди билан биргаликда қўшма корхона очиш ўзи бўлгани йўқ. Бунинг учун хорижий ҳамкорлар билан катта ишлар амалга оширилди. Қисқа даврда корхонада тартиб-интизом мустақамлашиб, ишчилар ўртасида ўзаро ҳурмат яшиланди ва озодагарчилик, ободончилик ишлари олиб борилди. Натижада, корхона тўла қувват билан ишлаб, бирин-кетин ойлик режалар бажарила бошланди. Қўшма корхона тузилганидан сўнг ишлаб чиқаришга замонавий дастгоҳлар ўрнатилди. Шу билан бирга юқори малакали ишчи-хизматчилар тайёрлаш учун ишлаб чиқаришга боғлиқ ўқув ва семинарлар ташкил этилди ҳамда илғор корхоналар билан тажрибалаб алмашилди. Натижада ишлаб чиқариш самардорлиги ошириб, жаҳон андозалари даражасидаги маҳсулот тайёрланмоқда. Корхонанинг олдинги давридагига нисбатан ишлаб чиқариш қуввати 4 баробар ортганлиги айниқас ахамиятлидир.



Фахр

## ИШЧИ ШАРАФИ

мо кўчатлари парваршига эътибор билан қаралмоқда. — Ишчи-хизматчилар шароитларини яхшилаш, уларга соғлом ва қулай муҳит яратиб бериш, меҳнаткашларни ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий манфаатларини ҳимоя қилиш корхона фаолиятининг устувор йўналишларидан бирига айланган, — дейди касаба уюшма кўмитаси раиси Хасанбой Исмоилов. — Корхонамиздаги барча ишлаб чиқариш цехларини тўлиқ қайта таъмирлаш ва ҳозирги кун талаби асосида чиройли, озода ҳолатга келтириш учун 26,5 миллион сўм сарфланди. Ишчиларнинг соғлигини муҳофаза этиш мақсадида барча ишлаб чиқариш цехларига 27 миллион сўмлик пол-плитка ётқизилди. Дарҳақиқат, ушбу меҳнат жамоасида яратилаётган шарт-шароитлар эътиборга лойиқ. Жумладан, бу ердаги ошхона ва бу-

фет қайтадан таъмирланиб, янги стол-стуллари билан жиҳозланди. Ишчи-хизматчиларга кунига бир маҳал бепул тушлик берилмоқда. Бу ишларни амалга ошириш учун 3,1 миллион сўм маблағ сарфланди. Булардан ташқари, меҳнаткашлар кутубхона, сартарошхона, тикувчилик цехи, дам олиш хоналари, сауна, билард-хона, теннис корти каби маиший ва спорт хизматларидан унумли фойдаланишмоқда. Корхона қошидаги тиббий хизмат пунктида 4 нафар малакали врач ва 6 нафар ҳамшира ишчилар хизматида. Уларга ҳар ойда 1 миллион сўмлик бепул дори-дармонлар билан хизмат кўрсатилмоқда. Яна бунга қўшимча равишда меҳнаткашларга меҳрибонлик кўрсатиш мақсадида корхона маъмурияти ўз ҳисобидан Андижон клиник ситидаги 20 та 610 минг сўмлик бепул йўлланмалар ажратди. Меҳнат даргоҳидаги

ди ва уларга моддий ёрдам кўрсатилиб, турли тадбирларга таклиф этилмоқда. Яқинда ана шундай тадбирда 40 нафар кекса иштирок этди ҳамда уларга алоҳида эҳтиром кўрсатилди. Аҳил жамоада ишчи-хизматчиларнинг туғилган кунини нишонлаш яхши анъанага айланган. Айниқас, дам олиш кунлари жамоа бўлиб саёҳатларга чиқиш ходимларнинг меҳнатга бўлган муносибатини яхшиламоқда. Ўтган йили корхона етакчилари ташаббуси билан «Уч соҳил» болалар оромгоҳини қайтадан қуриш ва ободонлаштириш учун 40 миллион сўм маблағ сарфланди. Оромгоҳ қисқа фурсатда қурилиб, фойдаланиш учун шай ҳолатга келтирилди. Айни пайтда бу масканда меҳнаткашларнинг 400 нафар фарзандлари хордик чиқаришмоқда. Корхона маъмуриятининг кўлга киритаётган ютуқлари фақат бугина эмас. Ишчилар соғлигини тиклаш мақсадида ҳозирда фойдаланилмай қолган Чинобод пахта тазалаш ҳиссадорлик жамиятига қарашли 90 ўринли санитарий-профилакторийсини ишга тушириш учун таъмирлаш ишлари олиб борилмоқда. Бу сихатгоҳ фойдаланишга топширилгандан сўнг 60 та янги иш ўринлари яратилди. Юқсак меҳнат салоҳиятига эришаётган корхонада фақат тўқши ва йигириш билан чекланиб қолмай, унинг қошида қўшимча цехлар ташкил этиш мўлжалланмоқда. Ҳозирги кунда Швейцария, Латвия, Бельгия, Италия, Корёя, Польша, Германия каби мамлакатларнинг етук корхоналари билан алоқаларни тикланиши янги истиқболга йўл очмоқда.

Одил ЭРГАШЕВ, «Ишонч» мухбири.

## «ПСКЕНТ-СИФАТ» ҚАД РОСТЛАМОҚДА

Пскент туманида қишлоқ жойларида саноат корхоналари қуришга эътибор кучайтирилмоқда. Мустақиллик байрами арафасида бу ерда яна бир янги корхона - «Пскент-сифат» масъулияти чекланган жамият ички ва ташқи бозор учун харидор-гир маҳсулот ишлаб чиқара бошлайди.

Махсус кийим-бош тикиш учун зарур бўлган техник мато ишлаб чиқармоқчимиз, дейди жамият ижрочи директори Шавкат Тўйчиев. - Мўлжалимиз - йилга камида 500-600 минг погон метр ана шундай мато тўқиш, ундан тайёр кийим-кечак тикиш. Шу мақсадда айни кунларда 24 та тўқув

дастоғи, 40 та тикув машинаси ўрнатилди. 10 миллион сўмлик Низом жамғармасига эга мазкур янги корхона тайёр кийим-бош ишлаб чиқаришдан ташқари пахта бунтлари учун брезентдан ёпқичлар тикишни ҳам йўлга қўймоқда. Брезент эса шундоқина ёнларидан - «Кенаф» Ўзбекистон-Чехия қўшма корхонасида ишлаб чиқарилмоқда. Шуниси борки, пахтани қайта ишлаш саноати корхоналари учун керакли бўлган брезент шундайча рулон ҳолатида жўнатилади. Бу эса истеъмолчиларга қийинчилик туғдирад эди. Пскентлик саноатчилар сай-ҳаракати билан эндиликда брезентлар тайёр ёпқич ҳолатида тики-

либ, саноат корхоналарига етказиб берилади. «Пскент-сифат» кунига 100 дона ана шундай брезент ёпқич тикиш имкониятига эга. Анчадан бери хувиллаб ётган автокорхона ҳовлиси бугун гаҳжум. «Пскент-сифат» масъулияти чекланган жамият қошида яна бир қанча хизмат кўрсатиш шохобчалари жадал қад ростламоқда. Ҳадемай, бу ерда пахта титиш цехи, тегиримон, қурилиш моллари дўкони ҳамда автомобилларга техник хизмат кўрсатиш устанонаси ишга тушади. Корхона тўла қувват билан ишга тушса, 150 адам иш билан таъминланади. (ЎЗА).

## НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ЯНГИ ЎҚУВ ЙИЛЛИДАН ФАРГОНА ВОДИЙСИ УЧУН ҲУҚУҚШУНОСЛАРНИ ҲАМ ТАЙЁРЛАЙ БОШЛАЙДИ. ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ МАЗКУР УНИВЕРСИТЕТ КЕРАКЛИ МОДДИЙ

### ЯНГИ ФАКУЛТЕТ ТАШКИЛ ЭТИЛДИ

техника база, илмий салоҳият ва бу борада тегишли тажрибага эга бўлгани боис ана шундай қарорга элди. Аввалги педагогика институтини негизда ташкил этилган Наманган Давлат университети бу йил ўзининг ўн йиллигини нишонлайди. - Бугунги кунда олий ўқув юртимизда ўн битта факультет фаолият кўрсатмоқда, - дейди университет ректори, профессор Т.Файзуллаев. - Биз бу ерда турли йўналишлар бўйича мутахассислар тайёрлашимиз. Университетда айниқас, иқтидорли ёшлар билан ишлашга алоҳида эътибор қаратилади. Хусусан, 479 нафар талаба учун айрим фанлар бўйича қўшимча дарслар ўтилмоқда. Уларга ушбу фанлар бўйича маърузалар эса яхши тайёрланган ўқитувчилар ўқияпти. Бу эса ўз натижасини бермоқда. (ЎЗА).

## Ислоҳот инсон учун КАСБИ ТАЖРИБАСИ


Касби Қашқадарё вилоятидаги йирик, аҳолиси зич жойлашган туманлардан бири. Бу ерда ишлаб чиқариш самардорлиги йил сайин ортиб, аҳоли турмуш фаровонлиги тобора яхшиланиб бормоқда. Бугунги кунда Касбида 138 мингдан зиёд аҳоли истиқомат қилади. 59 та қишлоқ бўлиб, аҳолининг 86 фоизи табиий газ, 80 фоизи тоза ичимлик суви билан таъминланган. Туманда кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш ишига ҳам алоҳида аҳамият берилган. 229 та ҳуқуқий ва 835 та жисмоний шахс мақомини олган тадбиркорлар фаолият кўрсатаётди. Фермер хўжалиқлари ишлаб чиқариш самардорлигини ошириб, аҳоли турмуш-фаровонлигини яхшилашда имкониятлардан унумли фойдаланмоқдалар. Қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш бўйича республика комиссиясининг кенгайтирилган йиғилиши айнан Касбида ўтказилиши бежиз эмас. Кўчма йиғилиш ва кўргазмали семинарда республика қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги тизимида кирувчи ташиқлотлар раҳбарлари, вилоятлар ҳокимликларининг биринчи ўринбосарлари, ижтимоий соҳа вакиллари туманда иқтисодий ислохотларнинг бориши билан яқиндан танишидилар. Анжуман иштирокчилари дастлаб тумандаги «Ғалаба» ширкат хўжалигининг Аҳмад Исмоилов раҳбарлик қилаётган боғдорчилик ширкати аъзоларининг иш тажрибаси ҳамда дала шийнонда яратилган қулай шароитлар билан танишилди. Шароф Рашидов, Алишер Навоий номли ширкат хўжалиқларида бўлишиб, меҳнаткашларга яратилган шарт-шароитлар, дала шийноларидаги қулайликлар, меҳнатга ҳақ тўлашининг аниқ тадбирлари, хусусан Шароф Рашидов номли ширкат хўжалигида «Молия» ҳисоб марказининг банк тизими билан компьютер орқали боғлиқлиги, ҳисоботларни компьютерда олиб борилиши билан атрофича танишилди. Айниқас, «Ўзбекистон Қашқадарё» Файзулло Раҳмонов етакчилиги қилаётган ижарачилар иши меҳмонларда катта таассурот қолдирди. Бу ердаги сув ислохотлари, меҳнаткашларга яратилган маданий-маиший шарт-шароитлар семинар қатнашчиларида катта қизиқиш уйғотди. Алишер Навоий номли ширкат хўжалиги машина-трактор парк, дон қабул қилиш пунктидаги катта иш тажрибаси омалаштирилди. Шавкат СУЛТОН, «Ишонч» мухбири.

## ОЗОДНИНГ ОЛТИН МЕДАЛИ

Москва, 20 июн. ЎЗА махсус мухбири Муҳаммад Амин хабар қилади.


Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги ва Болтиқбўйи мамлакатлари халқаро ўсмилар спорт ўйинларида иштирок этаётган ҳамюртимиз - 40 кг вазнда майдонга тушган Тайлоқ (Самарқанд вилояти) спорт мактаби ўқувчиси самбочи Озод Пардаев рақиби Антон Муртейко (Россия)ни 1:0 ҳисобида финалда мағлуб этиб, олтин медални қўлга киритди.

Хозиргача мусобақаларда мамлакатимиз вакиллари 10 нафар фахрли ўринларни эгаллади. Шахматчимиз Антон Филипов Борис Савченко (Россия)ни, Сарвинчо Эргашева Эбжебай И-



ликова (Туркманистон)ни, Юлдуз Хамрокулова Елена Шоулите (Литва)ни мағлуб этди. Жўрабек Хамрокулов Юрий Михайлов (Латвия) билан дуранг ўйнади. Катта теннис баҳслари «Октябрь» ўйингоҳи кор-

ларида давом этмоқда. Терма жамоамиз вакиллари Фаррух Дўстов ва Фофур Эшматов ғалаба наҳидасини сурди. Аммо қизларимиз Элина Артюпова, Влада Яхшибарова ўз имкониятлари даражасида ўйин кўрсата олмади. 19 июн кун «Олимпия» спорт мажмуида сузиш бўйича мусобақалар бошланди. Биринчи кун натижаларига кўра 100 метрга баттерфляй сузишда Антон Тищенко финал босқичида иштирок этадиган бўлди. Қиличбозлик, шахмат, стол тенниси, теннис, сузиш, спорт гимнастикаси, енгил атлетика баҳслари давом этапти. (ЎЗА)



## «БАРЛОС» ШАРТНОМАНИ БУЗДИ

Андижон вилояти Хўжаобод туманидаги «Барлос» фирмаси раҳбари Ж.Жаҳонов савдо базалари билан тузилган шартнома шартларини ҳалол бажарганида устидан жиноят иши қўзғатилмаган бўларди. Фирма 2000-2001-йиллар давомида тузилган шартномага асосан савдо базаларидан 63 миллион 363,9 минг сўмлик спиртли ичимликлар олиб сотган эди. Қанда бўйича савдо тушуми назорат касса машиналаридан ўтказилиб дарҳол банк муассасаларига топширилиши керак эди. Лекин фирма раҳбарлари бу ишни назорат қилмаганликлари учун устамон сотувчилар 60,5 миллион сўм савдо пулини банк муассасаларига топширмай бошқа мақсадларга сарфлаб юбордилар. Шунча пайдан бери банкга топширилган нақд пул 2 миллион 864 минг сўм бўлибди ҳолос. Солиқчилар текширувидан сўнг Ж.Жаҳонов ва унинг ҳамтовоқлари оёғи қуйган товукдек питирлаб қолишди.

## ПЕШТАХТА ОСТИДАН

Тошкент шаҳар Шайхонтохур туманидаги «Анҳор» дўконидан савдо қилаётган хусусий тадбиркор Ш.Ёқубовда ҳам, унинг ёрдамчиси А.Самадовда ҳам спиртли ичимликлар билан савдо қилиш ҳуқуқини берувчи ҳужжат йўқ эди. Шу боисдан улар Россия ва Қозғистонда ишлаб чиқарилган 178 шиша спиртли ичимлик ва 551 қути тамаки маҳсулотларини пештахта остидан пуллашга киришган эдилар. Шу пайт солиқчилар дўконда текширув эълон қилиб маҳфий савдони синдирилди ва ушбу ҳолат юзасидан жиноят иши қўзғатилди. Акмал Икромов туманида фуқаро К.Нортожиевга тегишли дўкон текширилганда ҳам бу ерда солиқ қонунчилиги қўпол равишда бузилаётганлиги аниқланди. Қисқа муддатли текширув давомида 29,8 минг сўм савдо пули назорат касса машинасида ўтказилмаганлиги, 151 қути акциз маркази тамаки маҳсулотлари, хусусий тадбиркор савдо қилиши таъқиқланган ун, шакар, қанд, ёғ каби маҳсулотлар очик савдога қўйилганлиги маълум бўлди.

## «Ишонч» фоз этади

Хозир суриштирув ишлари олиб борилмоқда.

## КОП ИЧИДА БИГИЗ ЁТМАС

Шароф Рашидов номли жамоа хўжалигининг «Гулистон» қишлоғида истиқомат қилувчи Абдусами Хайдаров ўйлаб қараса кўни-қўшниллар бозорчага чиқариб сотаётган маҳсулотларнинг энг арзони сут экан. Хонадонларда соғиб олинаётган сутларни йиғиштириб олиб пишлоқ ва сариеғ ишлаб чиқаришни йўлга қўйса қандай бўлар экан. — Яхши бўлади, болам, - деди отаси Чори ака. — Харақатингни бошла. Қанча сут керак бўлса мен етказиб берман. Ота фотиҳаси билан ўғил дарҳол ҳаракатга тушди. Аллақердан кўлда ясалган мосламалар топиб келди. Уларни яширинча электр токига улади. Сутни арзонгаровга сотувчи ҳамқишлоқлари билан оғзаки шартнома тузди. Сут йиғишда Чори ака бош-қош бўлди. Шу тариқа яширин пишлоқ ва сариеғ цехи пайдо бўлди. Сутни қай-

та ишлашдан ҳосил бўлган маҳсулотларни кўшни туман ва шаҳарларга олиб бориб пуллаб кела бошлади. Қисқа вақт ичида цех ўзига хос соғин сизирга айланиб қолди. Янги корхонани рўйхатдан ўтказиш, олинаётган даромаддан солиқ тўлаб бориш эса тадбиркорнинг ҳаёлига ҳам келмади. Коп ичида бигиз ётмас, деганларидек, Яккабоғ туман давлат солиқ инспекцияси ходимлари яширин цех ҳақида тезда хабар топиб унинг фаолиятига чек қўйди. Хар бир килограмми 2000 сўмдан баҳоланган 186 минг сўмлик пишлоқ, 5600 сўмлик сут ва бошқа хил маҳсулотлар далилий ашё сифатида олинди. Қашқадарё вилояти солиқ тизими ходимлари сохта тадбиркорларнинг ноҳўя хатти-ҳаракатларига чек қўйиб, ўтган ойда 20 дан ортиқ яширин цехларни фоз этдилар. Даромадни яшириб солиқ тўлашдан бўйин товлаб юрган кимсаларга нисбатан тегишли чоралар кўрилди. Қинғир ишининг қийиғи қирқ кунга қолмай чиқди. Шундай экан, эл-юрт ўртасида бадном бўлмай десангиз солиқ қонунчилигига риоя этинг!

Ж.НОСИРОВ.

Сизга қандай хизмат кўрсатишяпти?

# ТУШУМНИНГ ЎН ФОИЗИ қишлоқ фуқаролар йиғини ҳисобига

Жамоамизда 54 нафар киши меҳнат қилади. Зиммаамиздаги вази-фа — тумандаги 7900 та хонадон, 121 та улгуржи истеъмолчиларни узлуқсиз табиий газ билан таъминлаб, хизмат сифатини яхшилашдан иборат. Умумий масофаси 430 километрлик газ тармоғининг бенуқсон ишлаши ҳам бизга боғлиқ.

Ходимларни ижтимоий-иқтисодий ҳимоялашни бошланғич касаб-а уюшма кўмитаси билан ўзаро ҳамкорликда олиб бормоқдамиз. Бунда, шубҳасиз, жамоа шартномасининг ўрни бекиёс бўлмоқда. Унинг бандлари аввало имкониятдан келиб чиқиб таъминланганлиги боис асосий қисми бажарилапти. Айни кунларда болаларнинг ёзги дам олиш масканларида мириқиб хордик чиқаришларига

эътибор қаратаёلمиз. Илғор ходимларимизнинг фарзандлари тоғ-ён бағридаги оромгоҳларда корхона ҳисобидан бепул дам олдирилади.

Қарияларни қадрлаш йилида жамоамизда кўп йиллар ишлаб, хозирда нафақада бўлганлардан 4 нафари табиий газдан фойдаланишда 100 фоизлик имтиёзга эга бўлишган. Шунингдек, туманимиздаги ёлғиз кексалар, ногиронлардан 26 нафари табиий газдан бепул фойдаланиб келишяпти.

Муаммоларимиз ҳам етарли. Дебиторлик қарзини қамайтириш, босқичма-босқич туратиш режасини тузиб, шу асосда ишлаяпмиз. Бунга жойлардаги қишлоқ фуқаролар йиғинлари фаоллари билан ўзаро ҳамкорликни яхшилаш би-

лан эришмоқчимиз. Икки томонлама манфаатли ҳамкорлик юзасидан тузаётган шартномалар кўл келмоқда. Қайси қишлоқ фуқаролар йиғини газ тўловларини 100 фоизга бажарса, 10 фоизлик тушум уларга қайтариб берилади. Шунинг учун «Лалмикор», «Ҳамзаобод» қишлоқ фуқаролар йиғинларида бу борада анча жонланиш сезилиб қолди.

Тўғри, айрим ҳолларда маъмурий чоралар билан ҳам таъсир кўрсатамиз. Масалан, Бўстон шаҳарчасидаги 20 нафар истеъмолчи суд орқали 15-40 минг сўмлик қарзини тўлашга мажбур бўлди.

Тўлқин ХОЛБОВЕВ,  
«Зарбдоргазтаъминот» туман бўлими бошлиғи.

Олтириқ тумани галлазорларида ҳам айни кунда ўрим-йиғим ишлари жадал суръатлар билан олиб борилмоқда. Бу ишда «Повулгон» ширкат хўжалиги олтин бошқорқорлари алоҳида фидойилик кўрсатмоқдалар. Гектаридан 40 центнердан галла етиштирган миришкорлар ҳосилдорликни 60 центнерга етказишга аҳд қилишган.

**Суратларда: илғор звено бошлиғи И.Усмонов, «Кейс» оператори Ш.Аҳмедов, хўжалик раҳбари Ф.Сиддиқов ва галла штаби бошлиғи А.Қаҳқоровлар ўзаро мулоқотда; ўрим палласи.**

Ғанижон МУҲАММАД  
улкан суратлар.



## ХАЙРИЯ МАРАФОНИ

Хазорасп туман агросаноат мажмуи ходимлари касаб-а уюшма кўмитаси хайрли ишга қўл урди — «Дўстлик» сўхатгоҳи қошида ногирон болалар учун «Ўзбекистон» оромгоҳини ташкил қилди. Бу ерда барча қўлайликлар мавжуд бўлиб, тақрибани шифокорлар болажонлар хизмати-

Бор бўл,  
оқибат!

да. Футбол, волейбол, шахмат, шашка ва бошқа қизиқарли спорт мусобақалари ўтказиш одат тусига кирган.

Оромгоҳда тўрт навбатда хордик чиқарилиши режалаштирилган ҳам ота-оналарни мамнун этмоқда. Бу йил мавсумда жами 800 нафар бола дам олдирилади. Кечагина оромгоҳда дам олувчиларнинг дастлабки гуруҳи етиб келди. Шу кунгёқ ўқувчиларнинг ёзги таътилини намунали ташкил қилиш учун хайрия марафони бўлиб ўтди. «Шарк юлдузи» ширкат хўжалиги 1 миллион 200 минг сўмлик саховат ёрдами кўрсатди.

Шунингдек, «Хоразм шакар» заводи, туман халқ таълими бўлими, марказий шифохона, пахта тозалаш заводи, 96-автотранспорт корхонаси, А.Якубов номидаги, «Эркин» ширкат хўжалиги ҳамда бошқа корхона ва ташкилотларини аямашди.

Хайрия марафонида 20 нафар ногирон болага ногиронлар аравачаси тақдим этилди.

С.ЖУМАНИЕЗОВ.

## ТАЪЛИМ РЕСУРС МАРКАЗИ ОЧИЛДИ

Самарқанд Давлат чет тиллар институтида ТАСИС-ТЕМПУС лойиҳаси доирасида фаолият юритадиган таълим ресурс маркази иш бошлади.

Шимолий Лондон университети, Финляндиянинг Оулу университети, Қарши Давлат университети ва Самарқанд Давлат чет тиллар институти ҳамкорлигида ташкил этилган марказда мамлакатимиздаги олий ўқув юртлирининг профессор-ўқитувчилари, коллеж, лицей ва мактаб ўқитувчилари янги ахборот технологиялари билан танишиб, малака оширади. Бу эса таълим соҳасига янги услуб ва технологияларни кенг жорий этиш имконини беради.

## НОГИРОНЛАРГА МЕХРИБОНЛИК

Ўзбекистон Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ногиронларнинг саломатлигини яхшилашга қаратилган тиббий тадбирларга ҳам алоҳида аҳамият бериб келмоқда. Таянч-ҳаракат аъзолари носоглом бўлган ногиронларни реабилитация қилиш марказининг очилиши ҳам нур устига аъло нур бўлди.

Эндиликда ушбу марказ ҳузурда «Ортопедия-реабилитация» илмий-ишлаб чиқариш кичик корхонаси ҳам фаолият кўрсатмоқда. Бу корхона ҳоимийлар маблағи ҳисобидан замонавий энгил, ихчам, сифатли ва арзон протезлар ишлаб чиқариш билан бевоасита шуғулланмоқда. Шу асосда вилоятлардаги барча ногиронларни протез-ортопедик маҳсулотлар билан таъминлаш йўлга қўйилади.

Марказ йўли билан ногиронлар учун мураккаб пойфазалар ишлаб чиқаришга ҳам киришилди. Бундай жараён вилоятлардаги шахобчаларда ҳам йўлга қўйилади.

А.АЛИЕВ.

**Йўллар... Бир томони Марказий Осиё автомагистралга қўшилиб кетган, яна бир учи Бухоро кумликлари, Қашқадарё чўллари ва Ҳисор тоғ сўкмоқлари оралаб ўтадиган хад-хуаудсиз йўллар.**

«Ншон-132» очиқ ҳиссадорлик жамияти ҳайдовчиларнинг саломатлигини яхшилашга қаратилган тиббий тадбирларга ҳам алоҳида аҳамият бериб келмоқда. Таянч-ҳаракат аъзолари носоглом бўлган ногиронларни реабилитация қилиш марказининг очилиши ҳам нур устига аъло нур бўлди.

Илгари автожамлама деб аталадиган жамоа ҳиссадорлик жамиятига айлантирилгач, парқанд фойдаланиш даражаси ошди, машиналарнинг иш унуми янада ортди.

— Корхонамизда юзга яқин автобуслар ва юк автомобиллари бор, — дейди жамият раиси Шарофиддин Набиев. — Вазирлар Маҳкамасининг автотранспортдан фойдаланиш самардорлигини кучайтиришга қаратилган қарорлари изчиллик билан амалга оширилётганлиги корхона иқтисодий кувватини мустаҳкамламоқда.

Ислохотлар самарасини бермоқда. Бултур 148

миллион 643 минг сўм даромад олинган бўлса, жо-

ри йилда бу рақам 272 миллион сўмга етказилиши кўзда тутилган. Шунинг 20 миллион сўми соф фойда бўлади.

Шўртан газ-кимё мажмуасида 30 дан ортиқ автобус ва юк машиналари юқори унум билан ишлаяпти. Шунинг ҳисобидан ҳар ойда 25-30 миллион сўм даромад олинади.

Воҳа далаларида галладан мўл ҳосил етиштирилди. Мавсумда камида 18-20 минг тонна ҳосилни исроф қилмасдан тайёрлов ташкилотларига етказиб беришга аҳд қилган автотранспортчилар тинч билишмайдилар. Бу юмушда Парда Диванаев, Шўхрат Қурбонов, Эшназар Холиқов, Эркин Худойбердиев сингари ҳайдовчилар бошқаларга

## Излаган имкон топар

ўрناق бўлмоқдалар. Йўловчиларни вақтида манзилларига етказиш ва техника хавфсизлигини таъминлашда Жўра Дие-

ган. Жамоа шартномасида кайд этилганидек, айни кунда автожамламада меҳнат қилаётган нафақахўрларнинг меҳ-

# МОДДИЙ ИШ УНУМИ

ортишини таъминлади

ро, Абдухалиқ Хидиров, Панжи Жўраев, Баҳром Раҳмонов каби автобус ҳайдовчиларнинг хизмати катта бўлмоқда.

Жамиятда меҳнат қилаётган ишчи-хизматчиларни моддий-маънавий рағбатлантиришга эътибор кучайтирилган. Йилнинг ўтган ойларида юз миллион сўмликдан зиёд иш бажарилиб, ўн миллион сўм соф фойда олинди. Ҳар бир акцияга қўшимча 1210 сўмдан дивиденд тўланди.

Режани ошириб бажарган ва автоуловни бе нуқсон, юқори унум билан ишлатаётган ҳайдовчиларнинг маошига 20 фоиз қўшимча ҳақ тўланади. 2002 йил Қарияларни қадрлаш йили муносабати билан тегишли тадбирлар ишлаб чиқил-

нат таътилига 3 кун қўшимча ва энг кам иш ҳақининг икки баробари миқдорига моддий ёрдам берилади, дам олиш масканларига текин йўлланма билан таъминланади. Улардан 34 нафари Бухоро шаҳрининг тарихий жойларига саёҳатга бориб келдилар.

Самарали, ҳалол меҳнат билан моддий манфаатдорликнинг уйғунлаштирилганлиги ижобий натижа бермоқда. Барча имкониятлар, ресурслар ишга солиниб, жамоада меҳнат ва технология интизом мустаҳкамланаяпти.

Энг муҳими, акциядорларнинг моддий манфаатдорлиги ортиб, иш унуми яхшиланаяпти.

ЁЛКИН.

# ТАДБИРКОР БУРЧИ ВА МАЖБУРИЯТИ унутилаётган жойда

Вазирлар Маҳкамасининг «Бозорларнинг фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш тўғрисида»ги Қарори эълон қилинганлигига ҳам бир қанча муддат бўлди. Шу давр мобайнида пойтахтимиздаги бир қанча бозорлар жаҳон талаблари даражасида барпо этилиб, эскилари замонавий типда таъмирланди. Бу аввало хизмат кўрсатиш даражасининг яхшиланishiга ва истеъмолчи ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоялашда муҳим ҳужжат бўлиб хизмат қилмоқда. Тушумларнинг ўз вақтида давлат хазинасига келиб тушишини таъминлаш, патта пулларини белгиланган меъёрлар асосида тартиб-интизомнинг бўшашганлиги, амалдаги қонун ва қарорларни савдо қилувчиларга тарғибот-ташвиқот қилиш, тадбиркорларга тўғри тушуни тира билмаслик улар орасида содир этилаётган қонунбузарликларнинг асосий сабабларидан биридир. Энг ачинарлиси, улар ҳуқуқларини талаб қилишадими, қонун олдидаги бурч ва мажбуриятларини унутиб

қўйишмоқда. Мисол учун, «Ал-Хоразмий» шохобчасида фаолият кўрсатаётган тадбиркор А.Қаражонов ун, шакар, ёр маҳсулотлари билан ноқонуний савдо қилганлиги учун унинг фаолиятига чек қўйилди. Савдо қилувчи эса аҳолига сифатсиз ош тузи сотаётган вақтда солиқчилар томонидан ушланиб, туз ашёвий далил сифатида олиб қўйилди.

«Тяншань» универсал очиқ акционерлик жамиятида ҳам

қўйишмоқда. Мисол учун, «Ал-Хоразмий» шохобчасида фаолият кўрсатаётган тадбиркор Н.Рўзибоев ҳеч қандай ҳужжатсиз шиша идиш сотаётганда қўлга тушди. О.Фармонов эса «Бешёғоч» бозори тижорат дўконида акциясиз 111 кутти сигарета сотаётган пайтда солиқчилар томонидан аниқланди.

Ақмал Икромов туман ДСИ ходимлари «Фарход» бозори ҳудудида ўтказган текширувлар натижасида ноқонуний сотилаётган 947 килограмм гуруч, 192 кутти тамаки, 343 литр пахта ёғи, 782 килограмм балик, жами 1.684730 сўмлик маҳсулотларни аниқлаб, қонуний чора кўриш учун олиб қўйдилар. Н.Олимова, Н.Нурмухамедова, А.Ҳайдаровлар эса қонуний тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишни хаёлга ҳам келтирмай, фақат мўмай даромад топиш илинжида бўлишган. Бундайларни ким деб аташга ҳам ҳайронсан.

юқоридаги каби салбий ҳолатлар аниқланган. Назоратчи М.Болтаевав оғзаки буйруқ асосида ишлаб, автомашиналар тўхташ жойидаги шохобчада патта пули йиғиб, шунинг ҳисобидан маош олиб келган. Назоратчи Е.Мухторова эса бозор маъмуриятининг патта чеки олмасдан, аҳолидан тушум пули олганлиги аниқланди. Стандарт тош-тарозиларнинг учта ҳолатда носозлиги, назорат касса аппарати ишлаш тартиби бу-

## Қонун барчага баробар

Қарори уларнинг манфаати учун хизмат қилмоқда. Бироқ тартиб-интизомнинг бўшашганлиги, амалдаги қонун ва қарорларни савдо қилувчиларга тарғибот-ташвиқот қилиш, тадбиркорларга тўғри тушуни тира билмаслик улар орасида содир этилаётган қонунбузарликларнинг асосий сабабларидан биридир. Энг ачинарлиси, улар ҳуқуқларини талаб қилишадими, қонун олдидаги бурч ва мажбуриятларини унутиб

қўйишмоқда. Мисол учун, «Ал-Хоразмий» шохобчасида фаолият кўрсатаётган тадбиркор Н.Рўзибоев ҳеч қандай ҳужжатсиз шиша идиш сотаётганда қўлга тушди. О.Фармонов эса «Бешёғоч» бозори тижорат дўконида акциясиз 111 кутти сигарета сотаётган пайтда солиқчилар томонидан аниқланди.

Ақмал Икромов туман ДСИ ходимлари «Фарход» бозори ҳудудида ўтказган текширувлар натижасида ноқонуний сотилаётган 947 килограмм гуруч, 192 кутти тамаки, 343 литр пахта ёғи, 782 килограмм балик, жами 1.684730 сўмлик маҳсулотларни аниқлаб, қонуний чора кўриш учун олиб қўйдилар. Н.Олимова, Н.Нурмухамедова, А.Ҳайдаровлар эса қонуний тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишни хаёлга ҳам келтирмай, фақат мўмай даромад топиш илинжида бўлишган. Бундайларни ким деб аташга ҳам ҳайронсан.

қўйишмоқда. Мисол учун, «Ал-Хоразмий» шохобчасида фаолият кўрсатаётган тадбиркор Н.Рўзибоев ҳеч қандай ҳужжатсиз шиша идиш сотаётганда қўлга тушди. О.Фармонов эса «Бешёғоч» бозори тижорат дўконида акциясиз 111 кутти сигарета сотаётган пайтда солиқчилар томонидан аниқланди.

Давур ЖОЗИЛОВ,  
«Ишонч» муҳбири.

## Қарор ва ижро

Вазирлар Маҳкамасининг «Табиий газ етказиб бериш ва унинг учун ҳисоб-китоб қилиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида» ва «2002-2004 йилларда уй-жой фондини газни ҳисобга олиш асбоблари билан жиҳозлашга доир қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорини амалга ошириш ҳамда сув, иссиқлик, электр, ёнилғи ва ёқилғи ресурслари бўйича қатъий ҳисоб-китоб юритиш, ундан тежамкорлик ва оқилона фойдаланиш борасида Хоразм вилоятида амалий ишлар қилинмоқда.

Энергетика ресурслари, айниқса табиий газдан тежамкорлик билан фойдаланиш вилоят иқтисодиётини ривожлантиришда катта аҳамиятга эга. Ҳозирда мавжуд 612 та аҳоли пунктларидан 609 тахига «зангори олов» етказиб бериляпти. 3500 дан зиёд саннат, савдо, аҳолига коммунал-مائий хизмат кўрсатиш тармақлари ва бошқа ишлаб чиқариш иншоотлари газ билан таъминланган.

Мутасадди ташкилотлар томонидан ҳам 2002-2003 йилги кузги-қишки мавсумга тайёргарликни кучайтириш тадбирлари белгиланди. Унга кўра, 24,5 километр газ қувурлари тўлиқ таъмирдан чиқарилиши лозим. «Хоразмгазтаъминот» шўба корхонаси ҳисобига 6077 километр газ қувурлари техник қўриқдан ўтказилиши, 85,4 километр қувурларни кучли босим остида тозалаш, 59,5 ки-

лометр ер ости газ қувурларини ҳаво босими ёрдамида техник синовдан ўтказиш режалаштирилган. Шу кунларда қиш мавсуми мобайнида газ танқислиги бўлган аҳоли пунктлари ўрганиб чиқилмоқда. Қўшқўбир, Гулран, Урганч, Шовот, Янгибозор туманларини табиий газ билан таъминлашни яхшилаш юзасидан эса қўшимча чора-тадбирлар белгиланди. Ёқилғи билан таъминлашни яхшилаш мақсадида 3,4 километр узунликдаги қувурларни халқали улаш ва қўшимча 33 та газ тақсимлаш қурилмаларини ўрнатиш ишлари жадал суръатда олиб борилмоқда.

## «ЗАНГОРИ ОЛОВ»НИНГ ҚАДРИГА ЕТАЙЛИК

Бироқ, воҳадаги аҳвол таҳлил қилинганда, меъёридан

1,5-2 баравар кўп газ истеъмол қилинаётганлиги, уй-жой фондини ўлғачилар билан таъминлаш талаб даражасида эмаслиги аниқланди. Вилоят бўйича 2002 йилда аҳоли хонадонларига 36900 дона газ ўлғач асбоблари ўрнатилиши режалаштирилган эса-да, айни дамда бажарилган ишлар 23

фоизини ташкил қилади. Айрим саннат, савдо, умумий овқатланиш тармақлари, хусусий корхоналар, иссиқхоналарга газдан ноқонуний фойдаланиш ҳоллари ҳамон содир этилмоқда. Яқинда шўба корхонаси раҳбариятининг ташаббуси билан газ ҳисоблагичларни хонадонларга шартнома бўйича 15 фоиз пулини олдиндан тўлаб, истеъмолчи билан келишган ҳолда қолган суммани беш йил муддатга тўлаш шартин билан ўрнатиб бериш йўлга қўйилди. Бунинг учун корхонада газ ўлғачи асбоблари ўрнатиш ва таъмирлаш бўлими ҳам ташкил этилди.

М.ТИЛЛАЕВ.



24-30 июн

ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

ДУШАНБА, 24

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

Телеомошабналар диққатига! «Ўзбекистон» телеканали 24 июнь кунини ўз кўрсатувларининг соат 15.00 дан бошлайд...

15.00 «Тахлилнома». 15.45 ТВ анонс. 15.50 «Ошин». Телесериал. 16.20 «Обод уйда пок одамлар яшайди».

16.40 «Жаҳон киноси юлдузлари». «Ёзи таътил кунларида: «Болалар сайраси»:

17.00 1. «Шоирлар-болаларга». 2. «Олтин тож». Телевизион ўйин.

18.00 Янгилликлар 18.10 «Кўшигимиз сизга армуғон». 18.30 «Мулк». 18.45 «Бахтли воқеа». Телелотерея.

19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Ўзлонлар 19.30 «Ахборот» (рус тилида) 20.00 Оқшом эртаклари.

20.30 «Ахборот». 21.05 «Вазият». 21.25 «Муסיқа: кеча ва бугун». 22.05 2002 йил - Қарияларни кадрлаш йили.

22.35 «Кавингтон Кросс». Телесериал. 23.25 «Ахборот - дайжест». 23.45-23.50 Ватан тимсоллари.

«ЁШЛАР» ТЕЛЕКАНАЛИ Профилактар мусобаботи билан душанба 24 июн кунини «Ёшлар» телеканали кўрсатувлари соат 15.00 да бошлайд...

15.00 Кўрсатувлар дастури. 15.05 «Давр» ҳафта ичида. 15.35 «Кусто командасининг сув ости саргузаштлари».

16.25 Муסיкий лаҳзалар. 16.35 «Аршин мол-олон». Бадий фильм. 17.55 «Янги авлод» почтаси.

18.25 Ёшлар овози. 18.45 Оқшом наволари. 18.55, 21.55 Икким. 19.00 «Давр». Ахборот дастури.

20.50, 21.25, 22.35 Ўзлонлар 20.55 «Эсмеральда». Телесериал. 21.30 Кишлоқдаги тенгдошим.

21.50 Олтин мерос. 22.00 «Давр». Ахборот дастури. 22.40 «Муҳаббат қаҳваси». Телесериал.

20.00 Оқшом эртаклари. 20.15 FCN «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида)

21.05 «Солиқ ва биз». 21.20 Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар.

21.45 «Ўзбекистон» каналда илк маротаба: «Ошин». Телесериал премьераси.

22.15 «Сарҳад бўлмас дўстлик». 22.35 Футбол бўйича жаҳон чемпионати кундалиги.

22.50 «Мувоозанат». 23.15 «Ахборот - дайжест». 23.35-23.40 Ватан тимсоллари.

«ЁШЛАР» ТЕЛЕКАНАЛИ 8.55 Кўрсатувлар дастури. 9.00 «Давр». Ахборот дастури.

9.15 «Янги авлод» почтаси, «Кичкинтой театри». 9.45 «Мультимоша».

10.00 Олов билан юзма-юз. 10.15 Муסיкий лаҳзалар. 10.25 «Эсмеральда».

Телесериал. 10.55 Ёшлар овози. 11.15 Жаҳон жуғрофияси.

12.05 Хайитмат Расул. «Боши котган ошмаклар». Ўзбек Миллий академик драма театрининг спектакли.

13.25 Кўна оҳанглар. 13.40 Адолат сарҳади. 14.00 «Эртақлар тарк этган дара». Бадий фильм.

15.15 «Янги авлод» студияси: «Хар соҳага савҳат», болалар учун концерт.

15.45 «Мультимоша». 16.00 Ватан манзаралари. 16.20 ТВ-анонс.

16.30 Футбол бўйича жаҳон чемпионати кундалиги. 18.20 Автопатруль.

18.35 Сифат белгиси. 18.45 Оқшом наволари. 18.55, 21.55 Икким.

19.00 «Давр». Ахборот дастури. 19.35 ТВ-анонс. 19.40 Кўна оҳанглар.

19.55 Давр-интервью. 20.10 Марди майдон. 20.30 Муҳаббат кўйиқлари.

20.50, 21.25, 22.35 Ўзлонлар 20.55 «Эсмеральда». Телесериал. 21.30 Ёшлар овози.

21.50 Олтин мерос. 22.00 «Давр». Ахборот дастури. 22.40 «Муҳаббат қаҳваси».

10.00 Давр-интервью. 10.15 Муסיкий лаҳзалар. 10.25 «Эсмеральда». Телесериал.

10.55 Ёшлар овози. 11.15 Болалар экрани: «Оқ буталок». Мультфильм.

11.35 Саломат бўлинг. 11.55 «Учинчи сайёра» маърифий дастури.

12.45 Автопатруль. 13.00 «Ёшлар» телеканалда спорт: Теннис.

13.35 Кўна оҳанглар. 13.45 «Жар ёқасида». Бадий фильм.

15.15 «Янги авлод» студияси: «Оқ кабутар», «Шум болалар». 15.45 Оғох.

16.00 ТВ-анонс. 16.05 Таянч. 16.30 Футбол бўйича жаҳон чемпионати кундалиги.

18.20 ТВ-анонс. 18.25 Оқшом наволари. 18.40 Каталог.

18.50 Олтин мерос. 18.55, 21.55 Икким. 19.00 «Давр». Ахборот дастури.

19.35 ТВ-анонс. 19.40 Ёшлик наволари. 20.00 Спорт-лото.

20.10 Очил дастурхон. 20.25 Жар ёқасида. 20.45 Ўзбек мумтоз муסיқасидан.

20.50, 21.25, 22.35 Ўзлонлар 20.55 «Эсмеральда». Телесериал.

21.30 Ёшлар овози. 21.50 Олтин мерос. 22.00 «Давр». Ахборот дастури.

22.40 «Муҳаббат қаҳваси». Телесериал. 23.05 «Ёшлар» телеканалда спорт: Интерфутбол.

00.50 «Давр». Ахборот дастури. 1.05-1.10 Хайрли тун!

«ТОШКЕНТ» ТЕЛЕКАНАЛИ 17.15 Кўрсатувлар тартиби. 17.20 ТТВда сериал «Официна баридан чиққан фарибгарлар».

17-қисм. 17.55, 19.05, 21.35 «Экспресс» телегазетаси.

18.15 «Болалар экрани». 18.30, 20.00, 21.15, 22.30 «Пойтахт». Ахборот дастури.

18.50 «Гнѐхвандлик-аср вабоси». 19.30 «Муסיкий мехмонхона». 19.50 «Эхтиром ила».

19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Ўзлонлар 19.30 «Ахборот» (рус тилида) 20.00 Оқшом эртаклари.

20.15 FCN «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида) 20.30 «Ахборот».

21.05 Телемулоқот. Саволларга истеъмолчилар ҳуқуқини химоя қилуви мутасадди ташкилотларининг ҳодимлари жавоб беради.

21.40 Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ҳодимлари кунига бағишланган кўрсатув ва концерт.

22.40 «Келин-куёв». Телешоу. 23.50 «Ахборот-дайжест». 00.10-00.15 Ватан тимсоллари.

«ЁШЛАР» ТЕЛЕКАНАЛИ 8.55 Кўрсатувлар дастури. 9.00 «Давр». Ахборот дастури.

9.15 «Янги авлод» студияси: «Оқ кабутар», «Шум болалар». 9.45 «Мультимоша».

10.00 Таянч. 10.25 Муסיкий лаҳзалар. 10.35 «Эсмеральда». Телесериал.

11.05 Ёшлар овози. 11.25 Тафаккур ёлқинлари. 11.40 Спорт китраси (рус тилида)

12.05 Чемпион сирлари (рус тилида) 12.25 Оғох. 12.40 Кусто командасининг сув ости саргузаштлари». Телесериал.

13.30 Кўна оҳанглар. 13.40 Болалар экрани: «Бананлар». 14.15 «Учинчи сайёра» маърифий дастури.

15.05 Сифат белгиси. 15.15 «Сени севдим». Бадий фильм. 1-қисм.

16.40 Кўрсатувлар дастури. 16.45 «Янги авлод» студияси: «У ким? Бу нима?», болалар учун концерт.

17.10 Кўшқулоқ. 17.25 Хаммасб. 17.40 Вилот ёш хонадалари куйлайди.

17.55 Сийрат. 18.15 ТВ-анонс. 18.20 Табоабт оламида.

18.40 Оқшом наволари. 18.55, 21.55 Икким. 19.00 «Давр». Ахборот дастури.

19.35 ТВ-анонс. 19.40 Кўна оҳанглар. 19.50 «Давр»-интервью. 20.05 Мезон. 20.25 «Байрамнинг муборак бўлсин!»

Муסיкий дастур. 20.50, 21.25, 22.35 Ўзлонлар 20.55 «Эсмеральда». Телесериал.

21.30 Ёшлар овози. 21.50 Олтин мерос. 22.00 «Давр». Ахборот дастури.

11.20 «Ўзбекистон: XXI аср ёшлари». 11.40 Эстрада тароналари. 12.05 «Ажаб саодат эрур».

12.25 ТВ анонс. 12.30 «Олам». Телеальманах. 13.00 Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ҳодимлари кунига бағишланган кўрсатув ва концерт.

14.10 Кундузги сеанс: «Плош-чихадаги «Уч терак» қаҳваҳонаси». Бадий фильм.

15.25 «Кувноқлар ва зукколар». Телемусобақа. 16.05 ТВ клип. 16.15 «Моҳият».

16.35 «Фарзанд - умид юлдузи». «Ёзи таътил кунларида: «Болалар сайраси»:

17.00 «Ўйла, изла, топ!» Телемусобақа. 17.40 «Нурли манзиллар». 18.10 «Бугудоёрдаги уйча».

18.20 «Тиббиёт одимлари». 18.30 «Мурабий». Спорт дастури.

18.50 «Тафсилот». 19.05 «Зиё» студияси намойиш этиди: «Эътиқод мустаҳкамлиги йўлида».

19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Ўзлонлар 19.30 «Ахборот» (рус тилида) 20.00 Оқшом эртаклари.

20.15 «Бир жуфт қўшиқ». 20.30 «Ахборот». 21.05 «Санъатта бахшида умр». Ф. Раҳматова.

21.40 «Соғлом она - соғлом бола». 22.00 «Ўзбекистон» каналда илк маротаба: «Ошин». Телесериал премьераси.

22.30 «Бу ажиб фасл». Телеальманах. 22.50 Қарияларни кадрлаш йилига бағишланган фольклор жамоаларининг аънанвий республика кўрик-танлови. 1-қисм.

23.15 «Ахборот - дайжест». 23.35-23.40 Ватан тимсоллари.

«ЁШЛАР» ТЕЛЕКАНАЛИ 8.55 Кўрсатувлар дастури. 9.00 «Давр». Ахборот дастури.

9.15 «Янги авлод» студияси: «У ким? Бу нима?». Болалар учун концерт. 9.40 «Давр»-интервью.

9.55 Муסיкий лаҳзалар. 10.10 «Эсмеральда». Телесериал. 10.40 Ёшлар овози.

11.00 «Жилванмаган Африка». 11.20 Футбол бўйича жаҳон чемпионати кундалиги.

17.15 Кўрсатувлар тартиби. 17.20 ТТВда сериал «Официна баридан чиққан фарибгарлар».

17-қисм. 17.55, 19.05, 21.35 «Экспресс» телегазетаси.

22.00 «Ўзбекистон: XXI аср ёшлари». 22.20 Кинонинг олтин асри. «Эли Грехо». Бадий фильм.

23.35 «Ахборот» (рус тилида) 00.15 «Тунингиз осуда бўлсин!» ШАНБА, 29

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ 6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00-8.35 «Ахборот».

8.35 ТВ маркет. 8.40 Газеталар шарҳи. «Ёзи таътил кунларида: «Болалар сайраси»:

9.00 «Ўйла, изла, топ!» Телемусобақа. 9.40 «Зиё» студияси намойиш этиди: «Эътиқод мустаҳкамлиги йўлида».

10.00 ТВ-1 кинотеатри: «Сабрият». Бадий фильм. 12.00 ТВ анонс.

12.05 «Ўзбекистон бастакорлари». М. Бурханов. 12.30 «Эртақлар - яшшиллик етаклар».

13.50,16.05 ТВ клип. 14.00 «Маърифат». Телеальманах. 14.20 «Дунё эшикларини очилди бизга».

14.40 «ТВ альманах». 15.00 Муайтй бўйича халқлар турнири. Адабий жараён:

15.20 1. «Ёзувчи ва замон». 2. «Шеър ва шуур». 3. «Дунё адабиёти».

16.15 «Ягона оилада». 16.45 Болалар учун. «Митти-войлар оиласи».

17.05 «Рангин дунё». 17.25 «Бахтимизга омон бўлинг».

«Ёзи таътил кунларида: «Болалар сайраси»:

17.00 1. «Ўлғайиш поғоналари». 2. «Олтин тож». Телевизион ўйин.

18.00 «Талабалик йилларим». 18.25 «Туранин ҳокимият».

18.45 «Ўғил оқлини». Телелотерея. 19.15, 20.00, 20.25, 21.10, 21.55 «Экспресс».

19.30 «Тахлилнома» (рус тилида) 20.05 «Оламга савҳат». Кино-кўрсатув.

20.30 «Тахлилнома». 21.15 «Ханшанбада Сиз билан бирга».

21.35 Футбол бўйича жаҳон чемпионати кундалиги. 21.50 «Кўзлар давраси» - «Корейда».

бўлишни истайди?» Телеўйин. 20.00 «Время». 20.30 «Ассалом Франция!» 20.45 «Тенгдошлар».

21.10 «Олтин микрофон». Муסיкий дастур. 21.35 Футбол бўйича жаҳон чемпионати (ярим финал) 23.30 Ахборот (рус тилида) 24.00 «Тунингиз осуда бўлсин!»

ЯҚШАНБА, 30 «ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ 6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00-8.35 «Ахборот».

8.35 «Камалак». Болалар учун кинодастур. 9.05 «Ғаройибот».

9.25 «Муми-тролль». Мультфильм. 10.00 «Ватанимга хизмат қиламан».

11.00 «Она меҳри». 11.20, 12.50, 15.55 ТВ анонс. 11.25 «Кўна замин оҳанглари».

«Ёзи таътил кунларида: «Болалар сайраси»:

11.50 «Муъжизалар майдончаси». 12.55 ТВ-1 кинотеатри: «Қутлимгабон меҳмон». Бадий фильм.

14.10 ТВ клип. 14.20 «Қалб гаҳваси». 14.40 «Ўйла, ўшғилим».

15.05 «Покахонтас». Мультсериал премьераси. 16.00 «Коракалпоқнома».

16.25 Республика Ички Ишлар Вазирлигининг Қарияларни кадрлаш йилига бағишланган хайрия концерти.

«Ёзи таътил кунларида: «Болалар сайраси»:

17.00 1. «Ўлғайиш поғоналари». 2. «Олтин тож». Телевизион ўйин.

18.00 «Талабалик йилларим». 18.25 «Туранин ҳокимият».

18.45 «Ўғил оқлини». Телелотерея. 19.15, 20.00, 20.25, 21.10, 21.55 «Экспресс».

19.30 «Тахлилнома» (рус тилида) 20.05 «Оламга савҳат». Кино-кўрсатув.

20.30 «Тахлилнома». 21.15 «Ханшанбада Сиз билан бирга».

21.35 Футбол бўйича жаҳон чемпионати кундалиги. 21.50 «Кўзлар давраси» - «Корейда».

21.55 «Ўзбекистон» каналда илк маротаба: «Ўзганин чиптаси». Бадий фильм. 00.45-00.50 Ватан тимсоллари.



20.30 ТТВда сериал: «Бибилска пул». 21.15 «Дорихона эшитида».

21.55 «Бир қўшиқ тарихи». «Догман». 22.55 Кинонигоҳ. «Эдвард-кайчиқул».

00.25-00.30 Хайрли тун, шаҳрим! «ХАЛҚАРО» ТЕЛЕКАНАЛ РЖТ 6.30-8.00

17.00 Кўрсатувлар тартиби. 17.05 Н. Орейро ижросидаги концерт дастури.

18.30 «Бугун оламда». Ахборот дастури. 18.40 Е. Петросяннинг «Кулгу панорамаси».

19.05 «Ким миллионер бўлишни истайди?» Телеўйин. 20.00 «Время».

20.35 Киноматограф. «Кўрсатув тайёрлаш машаққатлари». Бадий фильм.

22.15 FCN «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида) 22.25 Футбол бўйича жаҳон чемпионати.

00.05 «Ахборот» (рус тилида) 00.35 «Тунингиз осуда бўлсин!»

бўлсин!» Муסיкий дастур. 20.50, 21.25, 22.35 Ўзлонлар 20.55 «Эсмеральда». Телесериал.

21.30 Ёшлар овози. 21.50 Олтин мерос. 22.00 «Давр». Ахборот дастури.

22.40 «Муҳаббат қаҳваси». Телесериал. 23.05 «Ёшлар» телеканалда спорт: Интерфутбол.

00.50 «Давр». Ахборот дастури. 1.05-1.10 Хайрли тун!

«ТОШКЕНТ» ТЕЛЕКАНАЛИ 17.15 Кўрсатувлар тартиби. 17.20 ТТВда сериал «Официна баридан чиққан фарибгарлар».

17-қисм. 17.55, 19.15, 21.35 «Экспресс» телегазетаси.

18.15 «Навничол». 18.30, 20.00, 21.15, 21.55 «Пойтахт». Ахборот дастури.

18.50 «Камолот фасли». 19.35 Муסיкий лаҳзалар. 19.45 «Тошкент ва тошкентликлар».

20.30 ТТВда сериал: «Бибилска пул». 21.15 «Дорихона эшитида».

Хужжатли сериал. 11.50 Мезон. 12.10 Кўна оҳанглар.

12.20 Сийрат. 12.40 «Истиқлол умидлари-2001» битирувчилари оқшоми.

14.55 «Сени севдим». Бадий фильм. 2-қисм. 16.25 Хуқуқ ва бурч.

16.45 Кўрсатувлар дастури. 16.50 «Янги авлод» студияси: «Спорт майдончаси», «Олтин калит».

17.15 «Озод юрт фарзандиман». Дияр Махкамов куйлайди.

17.50 Саломатлик сирлари. 18.10 «Оби ҳаёт» туркумидан: «Жараён».

18.30 Мутолаа. 18.45 Оқшом наволари. 18.55, 21.55 Икким.

19.00 «Давр». Ахборот дастури. 19

